

ЎУК:633-853-494:631(324)

КУЗГИ РАПСНИНГ ҚИШЛАШ ДАРАЖАСИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА  
МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ПОСЕВА НА СКОРОСТЬ ПЕРЕЗИМОВКИ  
ОЗИМОГО РАПСА

THE EFFECT OF PLANTING TIME AND STANDARDS ON THE  
WINTERING RATE OF WINTER RAPESEED

Ёқубов Жасур Ашуралиевич  
Каримов Шарофид Абдукаримович

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари  
илмий-тадқиқот институти Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация:** *Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапсининг “Ясна” навиуни кўчатларини қишки тиним давидан қишлаб чиқишига турли муддат ва меъёрларда экишнинг таъсири ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** *Кузги рапс, экиш муддати, экиш меъёри, кўчат қалинлиги, қишлаб чиқиш, агроэкологик шароит, ҳосилдорлик*

**Аннотация.** *В условиях типичных сероземов Ташкентской области изучено влияние посева в разные сроки и нормы на выход всходов озимого рапса «Ясна» из зимнего покоя.*

**Ключевые слова:** *Рапс озимый, сроки посева, нормы высева, толщина всходов, перезимовка, агроэкологические условия, продуктивность.*

**Annotation.** *In the conditions of the typical gray soils of Tashkent region, the effect of planting in different periods and rates on the emergence of seedlings of winter rape “Yasna” from winter dormancy was studied.*

**Key words:** *Winter rapeseed, planting time, planting rate, seedling thickness, wintering, agro-ecological conditions, productivity*

Ўсимликшуносликда энг муҳим муаммоларидан бири – юқори сифатли навларнинг уруғлик материални қўллаш асосида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олишдан иборат. Бу эса уруғларни шаклланиш ва етилиш давридаги агроэкологик шароитлари ҳамда узоқ сақлаш давомида экиш хусусиятларини сақлаб қолиш билан аниқланади. Маълум даражада ушбу муаммо рапсга ҳам тегишли, чунки у, мойли карамдошлар ўсимликлар орасида, энг ҳосилдор экин ҳисобланади.

Г.Шустер [7; 74-77 б] нинг такидлашича 90% ҳолларда қишлашдан йўқотишларнинг сабаби айнан этиштиришнинг технологик чораларига риоя қилмасликда.

R.Velicka в.б. [5; 110–116-б]; P.Lääniste, в.б. [3; 342–348 б]; O.Balodis, в.б. [2. 6-12-б]; тадқиқотлари шуни кўрсатадики кузги рапс қишги уйқуга кетишдан олдин бештадан саккизтагача барг пайдо қилганда, энг яхши қишлаб чиқиш даражасига етади.

M.Boyles [1; 12-14-б] маълумотиға кўра кузда яхши ривожланмаган ўсимликлар одатда яшаш учун етарли захираға эға бўлмайдилар шунинг учун музлашдан нобуд бўлиш ҳафи катта.

Ён томондан бошқа бегона ўсимликлар ўсиб кўтарилганда очикроқ бўлган апикал куртакларнинг ривожлантириши ёки кузги ўсув даврида улар кўплаб озуқа моддаларни ўзлаштириши мумкин, бу ҳам қишлашга катта зарар етказида дейди P.Lääniste, [3; 342-348 б]; J.Holman [2; 10 б] лар ўз маълумотларида.

G.Sidlauskas [4; 4-8 б]; R.Velicka, в.б [6; 110-116 б] ларнинг аниқлашича барглар сонини ҳисоблаш бошқа биометриклар билан, масалан, илдиз бўйни диаметри, апикал куртаклар баландлиги, барг ва апикал куртакларда кўпроқ озуқа моддалари ва қанд моддаларини пайдо бўлиши қишга чидамликни оширади. Аммо қишда ўсимликларнинг яхши қишлаб чиқиши уларнинг зичлигига ҳам боғлиқ.

Кузги рапс қор кўп ёққан, жуда совуқ бўлмайдиган шароитда яхши қишлаб чиқади.

Сентябр ойининг 3-декадаси (21-сентябр)да экилган илк экиш муддатидаги вариантлар бўйича кузги рапс ўсимлигининг “Ясна” навининг амал даври бошидани кўчат қалинлиги экиш меъёри 1,0 млн.дога/га экилган вариантда 89,5 %ни ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 95,6 %

ни ташкил қилган бўлса қишлоқдан сўнг бу кўрсаткичлар мос равишда ўзгариб борди ва экиш меъёри ошиши – 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дога/га бўлган вариантларда кўчатлар сонининг камайишига олип келди. Бунга кўра экиш меъёри 1,0 млн.дога/га экилган вариантда қишлоқдан кейинги кўчат қалинлиги 97,0 %ни ташкил қилган бўлса ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 90,0 % ни ташкил қилганлини маълум бўлди.



Октябр ойининг 1-декадаси (3-октябр)да экилган иккинчи тажрибамизда кузги рапс “Ясна” навининг кўчат қалинлиги экиш меъёри 1,0 млн.дога/га экилган вариантда амал даври бошида 88,9 %ни ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 95,0 % ни ташкил қилган бўлса қишловдан сўнг бу кўрсаткичлар мос равишда ўзгариб борди ва экиш меъёри ошиши – 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дога/га бўлган вариантларда кўчатлар сониининг камайишига олип келди. Бунга кўра экиш меъёри 1,0 млн.дога/га вариантда 96,0 % ни ташкил қилган бўлса ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 89,0 % ни ташкил қилганлини маълум бўлди.

Октябр ойининг 2-декадаси (12-октябр)да экилган иккинчи тажрибамизда кузги рапс “Ясна” навининг кўчат қалинлиги экиш меъёри 1,0 млн.дога/га экилган вариантда амал даври бошида 86,8 %ни ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 92,7 % ниташкил қилган бўлса қишловдан сўнг бу кўрсаткичлар мос равишда ўзгариб борди ва экиш меъёри ошиши – 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дога/га бўлган вариантларда кўчатлар сониининг камайишига олип келди. Бунга кўра экиш меъёри 1,0 млн.дога/га экилган вариантда қишловдан кейинги кўчат қалинлиги 94,4 %ни ташкил қилган бўлса ва экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлган вариантда 86,6 % ни ташкил қилганлини маълум бўлди. Энг юқори кўрсаткич барча вариантлар бўйича 1 млн.дога/га бўлган варианларда ва экиш муддати бўйича сентябр ойининг 3-декадасида аниқланди

Экиш муддатлари кечикиши ва экиш меъёрларининг ортиши кузги рапснинг “Ясна” навининг қишлаб чиқиш тадашасига салбий таъсир кўрсатди ва натижада 9-12 % кўчанларнинг нобуд бўлишига олиб келди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Boyles, M., J. Bushong, H. Sanders, and M. Stamm. 2012. Great Plains canola production handbook. Kansas State University Research and Extension. Manhattan, Kan. 12-14

2. Johann Vollmann and Istvan Rajcan. 2009. Oil Crops. ISBN 978-0-387-77593-7. 91-бет

3. Lääniste, P., J. Jõudu, V. Ereemeev, and E. Mäeorg. 2007. Sowing date influence on winter oilseed rape overwintering in Estonia. Acta Agric. Scand. Sect. B - Plant Soil Sci. 57(4): 342–348.

4. Sidlauskas, G., and C. Rife. 2004. Environmental and agronomic factors affect on the growth of rape leaves in autum. p. 4–8. In Proceedings of 10th International Rape Congress, Canberra, Australia, 1999.

5. Velicka, R., A. Marcinkeviciene, S. Raudonius, and M. Rimkeviciene. 2006. Integrated evaluation of rape readiness for overwintering. Acta Agric. Scand. Sect. B - Plant Soil Sci. 56(2): 110–116.

6. Vera C.L., Downey R.K., Woods S.M., Raney J.P., McGregor D.I., Elliott R.H., and Johnson E.N. 2007. Yield and quality of canola seed as affected by stage of maturity at swathing. *Can. J. Plant Sci.* 2007;87:1326. 15-17

7. Шустер Г. Возделывание озимого рапса. Проблема не в зиме! Новое сельское хозяйство. 2007. №1. С. 74-77.